

БОЛАЛАР ТАҚДИРИГА МАСЪУЛЛИК

Наргиза ИСОҚОВА,

НамДУ Ижтимоий фанлар факультети

Тарих кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация: Ушбу мақолада айрим ақлий ва компьютер ўйинларининг болалар саломатлигига ижобий ва салбий таъсири ҳақида айрим фикр-мулоҳазалар ёритилган.

Калит сўзлар: Ўйин, ўйинчоқ, қизиқиш, ташкилотчилик, жамоа, ривожланиш, эҳтиёж, таълим-тарбия, компьютер.

Кичик ёшдаги болалар ривожланиши, ўсиб-улғайишда турфа хил ўйинларнинг ўрни беқиёс аҳамиятга молик. Жисмоний ва ақлий ўйинлар тарбиявий аҳамиятга ҳам эга, чунки, бу жараёнда болалар ўзаро муносабатга киришадилар, натижада уларнинг хулқ-атвори, муомала маданиятида ижобий сифатлар шаклланади. Одатда кичик ёшдаги болалар асосан тасаввур қилиш орқали фикр юритадилар. Шунинг учун ҳам ёш болага берилаётган билим, турли кўникма фазилатлар ҳар хил ўйинлар орқали сингдириб юборилса, улар учун янада қизиқарлироқ ва тушунарлироқ бўлади. Амалда ўйинга айлантириб юборилган ҳар қандай жараёни жадаллаштириш болада ҳамиша ўзига хос қизиқиш уйғотади.

Ақлий ўйинлар боланинг теран фикрлашига ёрдам беради.

«Топишмоқ – топишмачоқ» ўйинида топилиши керак бўлган нарса, ходиса ва шу кабиларнинг рамз ва ўхшатмалар орқали ифодаланган қисқа тавсифи; жумбоқ берилади. Гуруҳдаги ҳамма иштирокчилар ўйинда тенг қатнашадилар. Ўқитувчи – «таълим», «тарбия», «маълумот» сўзларини алоҳида айтса, ҳеч ким қўл ушлашмай ҳаракат қилади. Агар ўқитувчи «таълим-тарбия» ёки «таълим-тарбия-маълумот» сўзларини биргаликда айтса, унда ўқувчилар қўл ушлашиб, занжир бўлиб

туришади. Ўйин 5 – 6 марта қайтарилади». Бу ўринда иштирок этган болаларда тезлик, хотира, фикрлаш ривожланади. Зеро, асосий вазифа – болада кучли ва мустақил характерни тарбиялаш, уни таҳлил қилиш ва хулоса чиқаришга ўргатишдир.

Гуруҳли ўйинлар – жамоавийлик ва бирдамликни таъминлайди. Бундай ўйинларда жамиятнинг муваффақиятлари, ривожланиши акс этади ва янги ўйинлар пайдо бўлиб, замон талабига жавоб бера олмай қолган эскилари эса йўқола бошлайди. Қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам бундай янги ўйинларига қизиқиш билдирадилар.

Колумбия ва Дьюк университети олимлари жамоаси енгил когнитив бузилишлари бўлган кекса одамларда хотирани мустаҳкамлайдиган энг яхши ўйинни аниқлаганлар. Тадқиқот натижалари NEJM Evidence журналида чоп этилган.

Тадқиқот давомида мутахассислар икки гуруҳга бўлиниб, ўртача ёши 71 ёшда, енгил когнитив бузилишларга эга бўлган 107 иштирокчининг маълумотларини таҳлил қилганлар. Биринчи гуруҳдан кроссвордларни интернетда онлайн тарзда бажариш сўралган, иккинчи гуруҳдан эса 12 ҳафта давомида ақлий ўйинлар ўйнаш, сўнгра 78 ҳафтагача қўшимча машғулотлар ўтказиш сўралган. Барча маълумотлар ҳар ҳафта ёзиб олинган. Оқибатда, кроссвордлар ижобий когнитив самара бўйича ўйинлардан устун эканлиги аниқланган.

Компьютер ўйинлари – компьютер ёрдамида ўйналадиган кўнгилочар ўйинлар ва бошқотирма эрмаклардан иборат. Ўйин майдони компьютер орқали бошқарилади ва дисплей ва телевизор экранида намоён бўлади. Турли ўйинлар (мас., автомобилни бошқариш, теннис, футбол ўйнаш ва б.)нинг кечиши ва вазиятлари моделлари дастурлари тузилиб, компьютер ўйинлари шулар асосида ташкил қилинади.

Австралиялик олимлар оз миқдордаги компьютер ўйинлари ўқувчилар қобилиятларига ижобий таъсир этишини исботлаганлар. Тадқиқотларда 7 ёшдан 16

ёшгача бўлган 700 нафар ўқувчи иштирок этган. Бир неча ой давомида болалар мактабдаги топшириқлари бажариш баробарида компьютер ўйинларини ҳам ўйнаганлар. Гап шундаки, компьютер ўйинлари боланинг мантиқий фикрлаш қобилиятини ўстириб, бир-бири билан осон тил топишиб, бирон-бир масalani нисбатан тез еча олишга ўргатади. Фақат буларнинг бари бола кунига йигирма дақиқадан кўп бўлмаган вақтини ўйинларда ўтказсагина фойдалидир. Агар меъеридан ошиб кетса, салбий оқибатларга олиб келади. Башарият бошидан кечираётган информатизм ҳамда глобаллашув замонида алоқа воситалари кундан-кунга шиддат билан ривожланиб бормоқда. Ҳаётимизни телефонсиз тасаввур қилиш ниҳоятда мушкул. Бугун ёшу қарининг турли русумдаги уяли телефонларда бетиним тарзда гаплашаётганини кўриш оддий бир ҳолга айланди. Лекин кўпчилик бундай телефонлар, айрим ҳолларда соғлиққа қандай таъсир қилишини яхши [билмайди](#). Ижтимоий тармоқларда болаларнинг гаджет, онлайн ўйинлар сабабли маълум даражада ҳаракатсиз бўлиб қолгани, сайр қилишни истамаслиги ҳамда кўча-кўйда бизнинг болаликдаги сингари кўшни болалар йиғилиб ўйнамаслиги мазмунидаги шикоятмуз постлар жуда ҳам кўп учрайди. Бола маълум бир машғулот масалан, рақс, гимнастика ёки спортнинг бошқа тури билан шуғулланмайдиган бўлса, суст ва бўшашган бўлиб ўсади. Тўғри югура олмайди, йиқилиб тушса ҳам етарли даражада пишимагани сабабли тез шикастланади. Жисмоний тарбия ўқитувчиларини ҳам ҳозирги болаларнинг элементар дастурни уддасидан чиқа олмаслиги, йўқ жойдан жароҳат орттириб олиши ҳайрон қолдириши ҳақида тез-тезшикоят қилмоқдалар. Шифокорлар таъкидлашича, ўн ёшгача бўлган болаларнинг бош мия, кўз, қулоқ, асаб ва суяк тизимлари ҳали тўла шаклланмаган бўлади. Уяли телефон бола ақлий қобилиятни пасайтириб, унинг асабийлашишга олиб келади, ўқувчини ва унинг атрофидагиларни машғулотлардан чалғитади. Ҳиндистонда ўн олти ёшгача бўлган болаларнинг уяли телефондан фойдаланиши бутунлай тақиқланган. Япония, Франция ва Испанияда ҳам болаларнинг мобиль телефондан фойдаланишида чекловлар ўрнатилган.

Мутахассисларнинг фикрича, уяли телефондан фойдаланиш меъёри бир марталик суҳбат учун уч дақиқа атрофида бўлиши, ўн олтига кирмаганларнинг бир марталик суҳбати икки дақиқадан ошмаслиги зарур. Суҳбатлар ўртасидаги оралик 20 – 25 дақиқа бўлганда уяли телефоннинг салбий таъсири камаяди. Болалар бир суткада 30 дақиқадан ортиқ гаплашмаслиги лозим. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, болаларнинг смартфон ва планшетлардан фойдаланиши уларда руҳий ҳамда психологик муаммоларни келтириб чиқаради. АҚШлик олимларнинг таъкидлашича, мамлакатдаги тўрт ёшгача бўлган болаларнинг 97 фоизи, оилавий даромадидан қатъи назар, мобиль телефонлардан фойдаланади. Уйқусизлик, семизлик, яккаланибқолиш, бош мия шиши, саратон хуружи, бармоқларнинг шикастланиши, мулоқот қобилиятининг пасайиши ва ўрганишнинг чекланиши телефон икки яшар болага етказадиган зарарнинг бир қисми экан, холос. Болалигидаёқ бошига тирикчилик ташвиши тушиб, бола ўйин учун алоҳида вақт ажрата олмайди. Айрим чекка қишлоқларни ҳисобга олмасак, қадимий ўйинларимизни бугуннинг болалари унутиб юборишмоқда десак, хато бўлмайди. Ота-оналари гарчи миллий ўйинларни ёшлигида ўйнаган бўлса-да, ахборот-технология асрига келиб, қадриятларимиз мужассам бўлган миллий ўйинларимизга нисбатан компьютер ўйинларига кўпроқ рухсат беришади. Бизнингча, бунинг асосий сабаби, айрим ота-оналарнинг миллий ўйинларимизни тарбиявий аҳамиятини тушуниб етмаганликларида дейиш мумкин. Немис психологи Карл Гросс ўйинлар аҳамияти борасидаги фикрларини мухтасар қилиб, шундай ёзганди: «Келажакда ҳаётини вазифалар учун одатларни ўстириш болалигимизнинг асосий мақсадини ташкил этади. Биз ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, бунда асосий роль ўйинга тушади. Биз бола бўлганимиз учун ўйнамаймиз, аксинча, болалик биз ўйнай олишимиз учун берилган». «Ўйин ўзи нима дегани?» деган саволга аниқ жавоб топилган тақдирдагина муаммони ёритиш ва таҳлил этиш, таклиф ва тавсиялар бериш жараёни осонлашади.

Психология тарихида бола фаоллигининг бундай турига доир кўплаб тушунчалар берилган. Психологларнинг бир гуруҳи, ўйин бу истеъдоднинг инстинктив ривожланиши, келгуси жиддий функцияларининг англамаган машғулотлари, деб ҳисоблайдилар. Бошқалари ўйинни хурсандчиликка етишиш билан боғлайдилар, учинчи гуруҳ эса уни қизғинликни тушириш усули сифатида баҳолайдилар. Тўртинчи гуруҳ тадқиқотчилар бўлса, ўйин пайтида олинган маълумотларни ташлаб юбориш жараёни кечади, деб ҳисоблайдилар. Буларнинг бари тўғри. Ўйин – бу боланинг нарсалар олами ва одамлар муносабатини англаш негизида ётган нарсалар фаолиятининг ўзгача тури эканлиги ҳам айтилиши ҳақиқат. Агар икки ва ундан каттароқ ёшдаги бола ўйинни севмаса, ўйнай олмаса бу кичкинтой ривожланишида маълум бир нуқсон мавжудлигининг кўрсаткичидир. Боланинг касалманд ҳолати унинг ўз атрофидаги одамлар билан мулоқоти ночорлиги белгисидир. Муаммонинг ечими: Психологлар 5 – 6 ёшдаги болалар билан қуйидаги тажрибани ўтказганлар: мутлақо бўш (ҳатто мебелсиз) хоналарга ўйинга ўргатилган ва ўргатилмаган болалар жойлаштирилган. Шундан сўнг уларни ўйнашга чорлаб, ўзлари яширин кузатиш ўтказганлар. Аниқланишича, ўйинга ўргатилмаган болалар хонада бекор юрганлар ёки умуман ҳаракат қилмаганлар. Ўйинга ўргатилганлари эса, ўз навбатида нафақат нарсалар, ҳатто бирор ўйинчоқ йўқлигига қарамай ёлғондакам телефон орқали суҳбатлашар, каша қайнатишар, тошойна олдида ўзларига оро беришар, ўзларича самолёт, машина ҳайдашарди ва ҳоказо. Бундан шундай хулоса чиқарамиз: болаларни турли ўйинлар ўйнашга албатта ўргатиш керак. Хуллас, ўйинлар боланинг ақлий, жисмоний ва маънавий оламини бойитади, болаларни катта ҳаётга тайёрлаш, курашишга, енгишга ўргатишнинг ўзига хос машқлари вазифасини ўтайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Асқарова Ў. М. Педагогикадан амалий машқлар ва масалалар. – Т.: Меҳнат, 2004. – Б. 16.
2. Этнография детства. Кон И. С., Решетов А.М., Серебрякова М.Н. – М.: Наука, 1983. –С . 191.
3. Эльконин Д. Б. Психология игры. 2-е изд.-М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1999. – С.
4. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўйинлари ва ўйинчоқлари // Мактабгача таълим, 2001. № 6. – Б. 6, 7.
5. Компьютер – дўстми? // Тасвир. 2006. № 11(458) – Б. 21.
6. Буюк Британияда болалар қандай тарбияланади: Сехргар энагадан оналарга 10 та қимматли маслаҳат. Замин.уз 25. 02. 2023
7. Хотирани мустаҳкамлайдиган энг яхши ўйин маълум қилинди. Янги Ўзбекистон 28 октябрь 2022
8. Норбўта ҒОЗИЕВ. «Гаджетлар асри» болалари нега ҳаракатли ўйинларни ўйнамай қўйди ва бу қанчалик хавfli? Дарё.уз 04.01.2021